



Tadqiqot.uz

**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

31 DEKABR  
**№35**

CONFERENCE.uz



**“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”  
2-ҚИСМ**

---

**«ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА»  
ЧАСТЬ-2**

---

**«INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF  
UZBEKISTAN»  
PART-2**

**ТОШКЕНТ-2021**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” [Тошкент; 2021]**

**“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари”** мавзусидаги республика 35-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 20 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағищланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР**

**1. Ahrorova M.R**

О'ЗБЕК МУМТОЗ ШОИРАЛАРИ ИJODIDA MILLIY ISTIQLOL GO'YASI HAMDA  
IJTIMOIY-FALSAFIY QARASHLAR ..... 7

**2. Бозоров М.Ж.**

“МИГРАЦИЯ” ТУШУНЧАСИ ТАҲЛИЛИ ..... 9

**3. Пардаев Абдуқодир**

РУҲ ВА НАФС ЎРТАСИДАГИ ФАРҚЛАР ..... 11

**4. Нематжонова Нафиса Боходировна**

ФИЛОСОФИЯ И ФЕНОМЕН ПАУЛО КОЭЛЬО ..... 14

**5. Қодиржон Одилов, Муҳаммаджон Иброхимов, Исмоилбек Қобулжонов**

МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ  
ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ЎЗБЕК ХАЛҚИ УЧУН ДОИМИЙ ҲАРАКАТДАГИ  
ҲАЁТИЙ ДАСТУР ..... 16



## ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

### О’ЗБЕК МУМТОЗ ШОИРАЛАРИ ИЈОДИДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ГО’YASI HAMDA ИЖТИМОИY-FALSAFIY QARASHLAR

**Ahrorova M.R**

SamDCHTI „Ijtimoiy fanlar  
kafedrasi stajyor o`qituvchisi

E-mail: akhrorova.madina@mail.ru

O`zbekiston,Samarqand.

тел: 93 680 44 15.

**Annotatsiya.**XIX asr o`zbek madaniyatidagi ko`tarilish o`zbek adabiyotida feudal axloqiy va diniy, irqiy jaholatga qarshi kurashda ma`rifatparvarlikning xalqlar do`stligi va vatanparvarlik motivlari bilan payvandlanib ketganligi, xalq manfaatlarini himoya etishning internatsional xarakter kasb etishi, ma`rifatparvarlik zaminida kelib chiqqan kelajak haqidagi orzular davr shoirlari ijodida muhim bir belgi sifatida ko`zga tashlanadi.

**Kalit so`zlar:** zakiy, la`l, radif,mushoira, stixiyali kurash,marvarid.

SHoiralar ijodida vatanparvarlik bilan bir qatorda xalqlar do`stligi mavzusiga xam ahamiyat berilganini ko`ramiz. Dilshod vodiya o`zbeklar va tojiklarning birga yashayotganligidan sevinadi. Ularning «jamul jamligi» Dilshodga ilhom bag`ishlaydi. SHoira Farg`onani bir uzukdek tasavvur etsa, uzukning la`l, marvarid ko`zlarini o`zbek va tojiklarga o`xshatib, nafis tasvir yaratadi:

Zakiy, ki uzbaku tojik jamo-jam shud dar in vodi,

Zi la`lu marvarid angushtarini mulki Farg`ona<sup>70</sup>.

Mazmuni:

Bu vodiya o`zbek va tojiklar jamul-jam bo`ldi, Farg`ona mulkining uzuk ko`zlarini la`lu marvariddandir.

XIX asr o`zbek madaniyatidagi ko`tarilish o`zbek adabiyotida feudal axloqiy va diniy, irqiy jaholatga qarshi kurashda ma`rifatparvarlikning xalqlar do`stligi va vatanparvarlik motivlari bilan payvandlanib ketganligi, xalq manfaatlarini himoya etishning internatsional xarakter kasb etishi, ma`rifatparvarlik zaminida kelib chiqqan kelajak haqidagi orzular davr shoirlari ijodida muhim bir belgi sifatida ko`zga tashlanadi.

Dilshod „Bo`lmasa bo`lmas“ radifli g`azalida xalqi, Vatani haqida fikr yuritib, agar vatanim `obod jamiyat, qashshoq elim o`rnidan turilmasa, vayrona bo`lgan shahar bunyod etalmasa. jafo chekib kelayotgan ayollar xushyoru ozod yurmasa o`ylagan odimlarim ro`yobga chiqmaydi, degan xulosaga keladi. Bunday qarashning yuzaga kelishiga kimlar sabab bo`lgan, hamma gap shunda. SHoira o`z vatanini johil xoinlar, xudbin amaldorlar zulmi ostida vayronaga aylanganini ko`zi bilan ko`radi. Dilshod o`shalarni chiqib aytmaydi, u o`sha kuchlarni qullab-quvvatlab kelayotgan ijtimoiy tuzumni fosh etishlik darajasiga ham ko`tarilmaydi. «Lekin bu yerda «qashshoq ed», <<vayrona shahar>>ni fojiadan qutultirish orzusi butun g`azal bo`yicha zanjir bo`lib o`tadi. SHoira katta umid bilan «elimga saodat nasib bo`lmasa, qalbim tinchi- ziaydi» ma`nosidagi yuksak optimistik fikrlarni ilgari suradi:

Man hukm etaram, vatanim obod bo`lmasa-bo`lmas,

Qashshoq elim oxiri navzod bo`lmasa-bo`lmas

Yo`qdur hech iloji, orzu chiqqar ro`yobra,

Vayrona badalida shahar bunyod bo`lmasa-bo`lmas

Vatanparvar shoirlar Dilshod va Anbar otin qishloqlarning manzaralarini tasvirlar ekan, ularagi hol ahvolga ich-ichidan achinadi. SHoira Andijonni «sho`rlik» deb ataydi. Dilshod she`rlarida bu yerlarning gullab yashnashiga umid bilan qaraydi. Farg`ona vodisining boy tabiatini kuylab, mavjud imkoniyatlarni el-yurt manfaati uchun xizmat qildirishga qodir kuchlarning paydo



bo`lishini orzu qiladi:

Norin irmoq sharillab Norindek daryo bo`lur,  
Agar suvni eplasang, tuprog`i kimyo bo`lur,  
Giyohsiz yotgan sahro mushki tutiyo bo`lur,  
Qani sohibi xalqi, suvni cho`lga burgiday.

Ko`rib turganimizdek, shoiralar birgina narsani ya`ni xalqni yurtni ozod bo`lishini chorlagan va bu chorlov stixiyali kurash sifatida adabiyot maydonida namoyon bo`ldi.

### Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Adabiy meros O`zbek adabiyoti tarixidan tadqiqot va materiallar: ilmiy adsarlar to`plami S/ 49/. T 1989 - 79s 891- 709 A- 281
2. Nodira Devon O`zbek va fors tillaridagi sherlar T. O`z FA nashriyoti (1963 619-bet) 894.3 H-730 T.Usmon. Bistu se adiba, Dushanbe, Nashriyoti davlati Tojikiston,1957
3. Qodirova Mahbuba XIX asr o`zbek shoirlari ijodida inson va xalq taqdiri. T., „Fan”, 1977 184- bet ( O`zb SSR FA A. Navoiy nomidagi davlat adabiyot muzeyi ( 891. 709 K- 577.



## “МИГРАЦИЯ” ТУШУНЧАСИ ТАҲЛИЛИ

**Бозоров М.Ж.**

фалсафа фанлари номзоди,  
доцент(СамДЧТИ)  
Тел.раками 97.288. 54.14.

**Аннотация.** Жаҳон миқёсидаги глобаллашув жараёни аҳоли миграциясининг кенг тарқалишига катта таъсир кўрсатди. Шунинг учун бу ижтимоий феномен турли фанларнинг обьектига айланди. Миграция тушунчаси ижтимоий-гуманитар фанлар томонидан турлича талқин қилинди. Аммо ҳозиргача бу тушунчанинг яхлит бир таърифи мавжуд эмас. Бу миграция жараённинг ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳалари билан боғлиқлигидан келиб чиқади.

**Таянч сўзлар.** Миграция, глобаллашув, кўчиш, аҳоли миграцияси, омиллар, ижтимоий фанлар, обьект, субъект харакатчанлик, мобиллик.

**Annotation.** The process of globalization has had a major impact on the prevalence of population migration. Therefore, this social phenomenon has become the object of various sciences. The concept of migration has been interpreted differently by the social sciences and humanities. But so far there is no single definition of this concept. This is due to the fact that the migration process is associated with all spheres of social life.

**Keywords.** Migration, globalization, migration, population migration, factors, social sciences, object, subject mobility, mobility.

Миграция жараёнлари ривожланиши ҳозирги босқичининг хусусияти шундан иборатки, дунёнинг ҳамма мамлакатларида унинг катта таъсирини кўриш мумкин. Миграция жараёнларига юз минглаб одамларнинг алоқадорлигини хисобга оладиган бўлсак, ижтимоий ҳодисанинг глобал характеристи тўғрисида гапириш мумкин.

Миграция (лот. *migratio* –кўчаман, жойни ўзгартираман) маъносига эга бўлиб, у биринчидан, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши(аҳоли миграцияси), иккинчидан, ҳайвонларнинг яшаш ҳаёти шароити ёки ривожланиш цикли ўзгариши билан бир географик худуддан иккинчисига кўчиши(ҳайвонлар миграцияси), учинчидан, кимёвий элементларнинг ер қобиғида ёки ер юзасида ўз жойини ўзгартириши(элементлар миграцияси), тўртинчидан энергиянинг бир заррачадан бошқасига ўтиши(энергия миграцияси), капиталнинг кўшимча қиймат олиш ва сиёсий мақсадларда бир мамлакатдан бошқасига мунтазам чиқиб туриши тушунилади.

Аҳоли миграцияси - бу дунёнинг деярли барча давлатларини қамраб оладиган мураккаб ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Миграция маълум бир минтақа, умуман давлатлар сонининг миқдорий ва сифат ўзгаришига олиб келади, жамиятнинг турли жабҳаларига таъсир қиласди. Аҳоли миграциясига жуда кўп олимлар томонидан таърифлар берилган. В.А. Ионцев факат маҳаллий нашрларда ўттиз олтига турли хил таърифлар мавжудлигини кўрсатади.[2.19] Шу билан бирга, миграциянинг барча тадқиқчилар томонидан таъкидланган таърифлари унинг характеристи хусусиятларини таъкидлашга имкон беради. Булар биринчи навбатда, кўчиб кетиши фактини, иккинчидан, яшаш жойини ўз ичига олади.

Аҳоли миграцияси –аҳолининг яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ кўчиши ҳисобланади. Аҳоли миграцияси аҳолининг муҳим муҳаммоларидан бири бўлиб, у кишиларнинг оддий механик кўчиши ҳаракати деб эмас, балки ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кўп томонларини қамраган мураккаб ижтимоий жараён сифатида қаралади.

Аҳоли миграцияси (лот. *migratio* - кўчиш ёки кўчириш) одамлар(мигрантлар)нинг яшаш жойини бутунлай ёки озми-кўпми муайян вақт ўзгартириши учун маълум худудлар чегараси бўйлаб ҳаракатланишидир. Миграцияни кенг ва тор маънода талқин қилиш одат тусига кирган. Тор маънода олганда, бу худудий ҳаракатларнинг тугалланадиган тури бўлиб, доимий яшаш жойини ўзгартириш билан ниҳоясига етади. Кенг маънода эса, у бир ёки бир нечта маъмурий-худудий бирликларнинг турли хил аҳоли манзиларида амалга ошади ва давомийлиги, мунтазамлиги, мақсадидан қатъий назар ҳар қандай худудий кўчиш ҳисобланади. Баъзи ҳолларда аҳоли бир минтақа(давлат)дан бошқасига катта гурухларда ва узоқ масофаларга кўчади.

Рус олимаси О.Д. Воробьеванинг фикрича, аҳоли миграцияси маъмурий-худудий



шаклланишнинг ташқи ва ички чегараларини кесиб ўтиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳаракат бўлиб, у турли омиллар туфайли содир бўлади, деб хисоблайди. Кўчиб юрган одамлар мигрантлар, деб аталади. Мамлакат, давлат ҳудудидан ташқарига чиқиб жойлашган кишиларга эммигрантлар, шу давлат, мамлакат ҳудудида жойлашганларга нисбатан эса иммигрантлар тушунчаси ишлатилади. Демак, иккинчиси билан биринчисининг сон жиҳатдан фарки тўғридан-тўғри давлат, мамлакат аҳолисига таъсир қиласди.[1. 35]

Ҳозирги даврда ҳам аҳоли миграцияси барча муҳим жараёнларининг таркибий қисмидир. Миграция жараёнининг мавжудлиги давлат чегаралари ва миллий хавфсизлик концепцияси, маданий қадриятлар ва тилларнинг фарқлари, сайёрадаги турли қисмларининг иқлимий ва табиий хусусиятларига асосланади.

Мигрант бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтувчи шахс бўлиб, у халқаро ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган миграцион хизматларга эҳтиёж сезади.[4.12-14]

Демография, фалсафа, иқтисод, социология, маданиятшунослик, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, география, тарих ва антропология каби ижтимоий фанларнинг ҳар ҳар бири миграцияни ўз нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Агар миграциянинг фалсафий масалалари тўғрисида гапирадиган бўлсак, шуни эътироф этиш жоизки, бу феноменинг ижтимоий-фалсафий муаммоларини ўрганиш бу ҳодисанинг моҳиятини белгилашни назарда тутади. Шунинг учун глобаллашув даврида бошқа фанлар қаторида, миграцияни ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш долзарб муаммо хисобланади. Ҳатто, олим Л.Л.Рыбаковский демография, шунингдек, миграцияни ўрганадиган бошқа фанларда ҳам, ҳеч бир контсептсия мигратсия каби жуда кўп турли хил талқинларга эга эмаслигига» эътибор қаратди. [2.10]

Олим А.У. Хомра илмий адабиётлардаги аҳолининг миграцияси хақидаги таърифларни учта гурухга бирлаштиришга ҳаракат қиласди:

а) энг кенги «ҳаракатчанлик» тушунчаси билан айнанлаштирилади. Бундай ёндашувда аҳоли мигратцияси тармоқ, ҳудудий, касбий ва ижтимоий қайта тақсимлаш хисобланади;

б) кенги миграцияни механик, касбий ва тармоқ ўзгаришларининг комбинацияси сифатида ифодалайди.

в) аҳоли миграцияси ҳар қандай макондаги ҳаракат сифатида тушуниладиган таъриф. ҳам мавжуд.[3.5-6]

Демак, миграция турли фанлар обьекти бўлганлиги учун, бу ижтимоий ҳодисани ўрганишда уларнинг интеграцияси муҳим аҳамиятга эгадир.

#### Библиография:

1. Воробьёва О.Д. Миграционные процессы населения: вопросы теории и государственной политики. //Проблемы правового регулирования миграционных процессов на территории Российской Федерации./ Аналитический сборник Совета Федерации ФС России-2003- № 9(202) –С. 35
2. Ионцев В.А. Международная миграция населения: теория и история изучения.- М.: Диалог-МГУ, 1999. С.19
3. Рыбаковский Л.Л. Миграция населения: прогнозы, факторы, политика/ Л.Л. Рыбаковский.-М.: Наука. 1987. С- 10.
4. Хомра А.У. Миграция населения: вопросы теории, методики исследования/ А.У. Хомра.- Киев: Новук думка, 1979.- 5-6.
5. Continued effectiveness off the Ozganization in view of the new challenges : Doc/ MC/ 1631/ Intergovernmental Committee for Migration/ Geneva, 1989. P. 12-14.



## РУХ ВА НАФС ЎРТАСИДАГИ ФАРҚЛАР

Пардаев Абдуқодир

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
илмий изланувчиси, Имом Бухорий  
номидаги Тошкент ислом институти  
“Ақоид ва фиқҳий фанлар”  
кафедраси катта ўқитувчиси.  
Телефон: +998974115560

**АННОТАЦИЯ:** Рух ва нафс бир нарсами ёки бошқа-бошқа нарсаларми? Рухнинг ҳақиқатини билиш мумкинми? каби саволлар кўп учрайди. Ушбу мақолада рух ва нафс тушунчаларининг ислом динидаги муштарак жиҳатлари ва фарқлари илмий асосда очиб берилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Рух, нафс, жон, жонзотлардаги ҳаёт асоси, ақл билан идрок қилиш, уйғоқлик ҳолати, уйқу ҳолати.

Рух ва нафс сўзлари луғавий ва истилоҳий (термин) жиҳатдан бир-бирларидан қўйидагича фарқланади. Рух сўзи луғатда жонзотлар у сабабли тирик бўладиган нарса маъносида ишлатилади. Қуръони каримда бу сўз тўрт хил маънода келган:

1. Вахийга далолат қилувчи бўлиб келган:

“УЎзамри билан фаришталарни рух (ваҳий) билан бандаларидан Ўзи хоҳлаганларига нозил қиласди” (*Наҳл сураси, 2-оят*).

2. Жаброил алайҳиссаломга далолат қилувчи бўлиб келган:

“Фаришталар ва Рух (Жаброил) тушади” (*Қадр сураси, 4-оят*).

3. Қуръонга далолат қилувчи бўлиб келган:

“Ана шунга ўхшаш, Биз сенга Ўз амримиздан бир рухни (Қуръонни) ваҳий қилдик” (*Шўро сураси, 52-оят*).

4. Жонзотлар у сабабли тирик бўладиган нарса маъносида келган.

“Ва сендан рух ҳақида сўрарлар. Сен: “Рух Роббимнинг ишидир”, деб айт” (*Исрор сураси, 85-оят*).

Рухнинг ҳақиқатини билиш мумкин ё мумкин эмаслиги ҳақида икки хил хукм айтилган:

1. Рухнинг ҳақиқатини билиш мумкин. Бу ҳақида Шоҳ Валиюллоҳ Дехлавий (ваф. 1763 й.) “Хужжатуллоғил болиға” асарида қўйидагиларни ёзган: “Ушбу оят баъзи олимлар ҳисоблаганидек бу умматдан ҳеч ким рухнинг ҳақиқатини билмаслигига далил бўла олмайди. Зоро, шариат айтмаган нарсаларни, албаттга билиш мумкин бўлмайди дейиш тўғри эмас. Балки шариат кўпинча бирор нарсани айтмаслиги агарчи уни билиш баъзиларга мумкин бўлсада, уни англаш ўта нозик бўлгани ва шу сабабли уни оммага тақдим қилиш тўғри бўлмаслиги эътиборидан бўлган. Билингки, рухнинг ҳақиқатидан аввал идрок қилинадиган нарса тирик жонзотлардаги ҳаётнинг асосидир. Қайси жонзотга рух пулланса у тирик бўлади, ундан рухнинг ажраши туфайли ўликка айланади”.

2. Рухнинг ҳақиқатини билиш Аллоҳга хосдир, бандалар уни билишдан ожиздирлар. Бу ҳақида Абулбаракот Насафий (ваф. 1311 й.) “Мадорикут танзил” асарида қўйидагиларни ёзган: “Рухнинг нималигини билишни Аллоҳ таоло Ўзига хослаб қўйган. Бунинг ҳикмати шуки, ақл ўзи билан бирга (бир танада) бўлган нарсани идрок қилишдан ожиз қолиши, унинг Холиқ таолони идрок қилишдан умуман ожиз эканига далолат қиласди”.

Шунга кўра рух ҳақидаги таърифлар комил таъриф ҳисобланмайди.

Рухнинг нафс билан бир ёки бир эмаслиги ҳақидаги баҳсда мазкур маъноларнинг тўртинчиси, яъни жонзотлар у сабабли тирик бўладиган нарса маъноси назарда тутилади.

Нафс сўзи араб тилида кўплаб маъноларда ишлатилади:

1. Рух маъносида. Масалан, مسفن تجرخ (нафси чиқди, яъни рухи чиқди);

2. Қон маъносида. Масалан, ڦلیاس هل سفن ال ام (окувчи нафси, яъни қони бўлмаган нарса);

3. Айнан ўзи маъносида. Масалан, مسفن وہ اج (унинг нафси, яъни айнан ўзи келди);

4. Кўз тегиши маъносида. Масалан, سفنب هتسفن (унга нафс тегиби, яъни кўз тегиби).

Аллома Али ибн Муҳаммад Шариф Журжоний (ваф. 1413 й.) “Китабут таърифот”



асарида нафс ҳақида қуидагиларни ёзган: “Нафс – ҳаёт, ҳис қилиш ва ихтиёрий ҳаракат қувватларини тутиб турувчи латиф буғ бўлган моддадир. Ҳаким зот уни ҳаётга тааллуқли рух деб атаган. Шунга кўра у (яъни, рух) баданинг чироғи бўлган модда ҳисобланади. Инсон вафот этган чоғда баданинг ташқарисидан ҳам, ичкарисидан ҳам ушбу чироқнинг зиёси узилади. Ухлаган пайтда эса ушбу чироқ зиёси фақат баданинг ташқарисидан узилади, ичкарисидан эса узилмайди. Бундан уйку билан ўлимнинг бир жинсдан экани маълум бўлади. Чунки ўлим мазкур чироқ зиёсининг тўлиқ узилиши бўлса, уйку унинг тўлиқ бўлмаган узилишидир. Қодир ва Ҳаким бўлган зот нафснинг баданга боғланишини уч турли қилган:

1. Нафснинг зиёси баданинг барчасига, ташқарисига ҳам, ичкарисига ҳам боғланиб турган ҳолати уйғоқлик бўлади;
2. Нафснинг зиёси баданинг фақат ичкарисига боғланиб ташқарисига боғланмаган ҳолати уйку бўлади;
3. Нафснинг зиёси баданинг барчасидан, ташқарисидан ҳам, ичкарисидан ҳам узилган ҳолати ўлим ҳисобланади”.

Шунингдек нафс сўзи Қуръони каримда ва ҳадиси шарифларда мазкур маънолардан бошқа маънода Аллоҳ таолога нисбатан ҳам ишлатилган. Масалан Исо алайҳиссаломнинг Аллоҳ таолога қуидагича муножот қилгани у зотнинг тилидан ҳикоя тарзда баён қилинган:

**“Сен менинг нафсимдагини биласан, мен эса Сенинг “нафс”ингдагини билмайман”**  
*(Moида сураси, 116-оят).*

Имом Мотуридий (ваф. 944 й.) “Таъвилоту аҳли сунна” асарида қуидагиларни ёзган: “Ушбу оятдаги нафс сўзи ҳақида икки хил гап айтилади:

1. Яширин ният ирода қилинган. (Яъни, Сен менинг яширин ниятларимни ҳам биласан, мен эса билдиримаган нарсаларингни билмайман);
2. Зот ирода қилинган. Аллоҳ таоло маҳлукотлар сифтланганидек зот билан сифатланишдан олийдир. Шунга кўра нафс сўзидан бундан бошқа маъно ирода қилинган. Масалан, “Сен менинг ҳузуримдаги нарсаларни биласан, мен эса Сенинг ҳузурингдаги бирор нарсани била олмайман”, ёки “мен тарафимдан нима бўлса, Сен барчасини биласан, мен эса Сенинг ғайбингдан асло хабар топа олмайман (маънолари ирода қилинган бўлиши мумкин)”.

Нафс сўзининг Аллоҳ таолога нисбатан ишлатиш ҳақида Имом Абу Ҳанифа (ваф. 767 й.) “Фикхул акбар”да қуидагиларни айтган:

هَجْوَلِ رَكْذٌ نُّمْ نَأْرْقُلَا يِفْ إِلَّا عَتَّ مُلْلَا فُرْكَذٌ أَمْفَ نَأْرْقُلَا يِفْ إِلَّا عَتَّ مُلْلَا فُرْكَذٌ أَمْفَ سُفْنَ وَ هَجْ وَ دَيْ مُلْلَا فِيْكَ الْأَلْبَتْ أَفَسَنْ مُلْلَا وَ هُفْ سِفْنَ لَوْ دَيْ إِلَّا وَ

“Аллоҳ таоло Қуръонда зикр қилганидек, Унинг “яд”и, “важҳ”и ва “нафс”и бордир. Ҳа, Аллоҳ таоло Қуръонда “важҳ”, “яд” ва “нафс”дан нимани зикр қилган бўлса, у Унинг учун кайфиятсиз (яъни, бирор ҳолат нисбат берилмайдиган) сифатдир”.

Яъни, мазкур сифатлар баён қилинган оятлар маъноси муташобих бўлган оятлар ҳисобланади. Бундай оятларнинг таъвилини эса жумхур мутакаллимларнинг қарашларига кўра фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Демак нафс сўзи сифат маъносида Аллоҳ таолога нисбат берилади, аммо рух сўзи сифат маъносида У зотга нисбат берилмайди. Чунки рух У зотнинг сифати эмас, балки яратган нарсалари сирасига киради.

Аммо бандаларга нисбатан ишлатилганда рух ва нафс сўzlари бир хил маънода, яъни жонзотлар у сабабли тирик бўлиб турадиган нарса маъносида ишлатилади. Қуръони каримда бандага хос бўлган нафс “ёмонликка буюрувчи”, “маломат қилувчи” ва “хотиржам турувчи” маънолардаги сифатлари билан баён қилинган. Бундан банданинг нафси унинг турли ҳолатларига кўра мазкур сифатлар билан сифатланиши тушунилади.

Рух ва нафснинг бир-биридан фарқли маънони ифодалаши ҳақида Муҳаммад Анвар Бадахшоний “Талхийсу шархи ақидатит Таҳовия”да қуидагиларни ёзган: “Таҳқиқ шуки, рух ва нафс зот жиҳатидан бир бўлса ҳам, эътибор жиҳатидан фарқлидир. Чунки идрок қилувчи нарсага бадандан ажраган пайтда рух дейилади. баданда турган пайтда эса нафс дейилади. Рух ва нафс ўртасидаги асосий фарқ шудир. Гоҳида бири иккинчисининг ўрнига ҳам ишлатилади”.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий Самарқандий Ҳанафий. Таъвийлоту аҳли сунна. Муассасатур рисалати нашируна. Байрут Лубнон. 2004 йил.
2. Абулбаракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий. Мадорикут танзил ва ҳақоиқут таъвил. Юсуф Али Бадавий таҳқиқи. Дор Ибн Касир. Димашқ-Байрут. 2018 йил.
3. Али ибн Муҳаммад Шариф Журжоний. Китабут таърифот. Доктор Муҳаммад Абдурраҳмон Маръашлий таҳқиқи. Дорул нафоис. Байрут Лубнан. Учинчи нашр. 2012 йил.
4. Мулла Али Қори. “Шарҳу Фикҳил акбар”. Дорун Нафаис. Иккинчи нашр. Байрут Лубнон. 2009 йил.
5. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Талхийсу шарҳи ақидатит Таҳовия. Замзам бабилшарз. Караби. Ҳижрий 1415 йил.
6. Абдулқодир Абдур Раҳим. Эътиқод дурданалари. “О’qituvchi” NMIU. Тошкент. 2020 йил.



## ФИЛОСОФИЯ И ФЕНОМЕН ПАУЛО КОЭЛЬО

Нематжонова Нафиса Боходировна

Ферганский государственный университет, преподаватель

Телефон: +998(93) 971 75 65

nafisanemamatjonova@gmail.com

**Аннотация:** В этой статье рассматривается феномен и философия Пауло Коэльо, биографические данные писателя, смысл произведений в творчестве писателя.

**Ключевые слова:** философия, феномен, писатель, человек и судьба, литература, символ, жизнь, борьба, литературный процесс.

«Мне кажется, что в каждом из нас протекают те же процессы, что и в жерле вулкана, - где-то внутри накапливается критическая масса, хотя снаружи ничего вроде бы не происходит. И человек спрашивает себя: «Неужели так будет всю жизнь?» Но приходит минута - и начинается извержение. Умный человек позволит этой лаве вырваться из глубины его нутра и преобразить окрестный «пейзаж». Дурак попытается как-то сдержать извержение, и с этого мгновения все его усилия будут направлены на то, чтобы эта лава не хлынула на поверхность. Я оказался достаточно pragматичен и в определенные моменты моей жизни понимал - необходимо принять и перетерпеть страдания, приносимые извержением, чтобы потом радоваться неизвестному изменившемуся пейзажу» [2].

Не случайно начали эту статью со слов Пауло Коэльо, сказанных им в Москве в 2002 году. В них заключена вся жизненная философия автора. Философия, которую он открывал для себя на протяжении многих лет. И философия, надо признать, интересная и необычная.

Нужно с ней согласиться полностью или частично, либо же не соглашаться с нею в принципе. Но убеждены, что каждый сумеет найти в ней что-то для себя, потому что его повести – притчи, рассказывающие о чужом опыте, побуждают людей задуматься о себе, о своих поступках и проступках, и главное – стать искренними и честными хотя бы наедине с собой.

Несмотря на сильную философскую составляющую, его произведения читаются легко, на одном дыхании, чему причиной доступный язык и, очевидно, удачный перевод.

В настоящее время бразилец Пауло Коэльо – один из самых читаемых современных писателей, подлинный феномен.

В чём же его феномен? Об этом, наверное, лучше всего говорит сам автор: «Идти по дороге света без предрассудков и предубеждений».

Пауло Коэльо родился в Рио-де-Жанейро в 1947 году в семье инженера. С детства он мечтал стать писателем. Но в 60-е годы в Бразилии искусство было запрещено военной диктатурой. В то время слово «художник» было синонимом слов «гомосексуалист», «коммунист», «наркоман» и «бездельник». Беспокоясь о будущем сына и пытаясь оградить его от преследований властей, родители отправляют 17- летнего Пауло в психиатрическую больницу. Выйдя из больницы, Коэльо становится хиппи. Он читает все без разбора - от Маркса и Ленина до «Бхагават-гиты». Затем основывает подпольный журнал «2001», в котором обсуждаются проблемы духовности, Апокалипсис. Помимо этого, Пауло пишет тексты анархических песен. Звезда рока Raul Seixas, бразильский Джим Моррисон, сделал их такими популярными, что Коэльо в одночасье становится богатым и знаменитым. Он продолжает искать себя: работает журналистом в газете, пытается реализоваться в театральной режиссуре и драматургии.

И тогда он решает отправиться путешествовать. Случайная встреча в Амстердаме приводит его в католический орден RAM, созданный в 1492 г. Здесь Пауло научился понимать язык знаков и предзнаменований, встречающихся на нашем пути. «Мы живем в символическом мире. Вся наша жизнь - символ. Любая жизнь любого человека — это знак. Задайтесь целью, и вы отгадаете скрытый смысл знаков» [3].

Паломничество, путешествие для Пауло Коэльо — это замечательный способ познакомиться с теми частичками самого себя, которые могли бы оставаться непознанными до самой смерти. Это способ вспомнить себя настоящего. «Обычная жизнь, когда уже все кажется давно известным и понятным, — это существование, со всех сторон ограниченное



стенами, которые постоянно возводим и мы сами, и общество. Путешествие помогает преодолеть эти стены. Стены, которые, на самом деле, не только вне, но и внутри нас. Когда они исчезают, ты вдруг оказываешься в океане собственной души, доселе неведомой. Когда ты в дороге, ты должен доверять людям, потому что ты, не зная их, зависишь от них. В дороге ты становишься невинным, как младенец. У тебя нет знаний о том неизвестном, куда ты ступаешь, поэтому нет и предубеждений. Ты чист в восприятии. И наконец, в дороге ты должен общаться с незнакомыми людьми, в противном случае ты вернешься в собственное одиночество. Жизнь убедила меня в том, что мой ангел-хранитель, так же, как и мой демон-искуситель, общаются со мной через уста других людей.» [3].

Пауло всегда стремился понять людей: «... для меня очень важно знать, что я могу разделить свою душу с теми, кто меня понимает», - так говорит он в одном из интервью. Он пишет, чтобы понять себя, и верит в то, что «жизнь - загадка, которую надо уметь принять, и не мучить себя постоянным вопросом: «В чем смысл моей жизни?» Лучше самим наполнить жизнь смыслом и важными для вас вещами.... «Жизнь - постоянная борьба, ... Но не добра со злом. А со страхом неизведанного. Зло приходит со страхом, парализуя человека. И в то же время, когда его удается преодолеть, проявляется добро. Я так же полон страхов, как и все. Но я не даю им останавливать меня. А вообще я считаю, что мы живем в то время, когда каждый человек должен сделать сознательный выбор в пользу добра.» [1].

**Список использованной литературы:**

1. Балтаева Гуля. Автор «Алхимики» приехал в Россию. - Росбалт. -2002
2. Изгаршев Игорь. Приезд Пауло Коэльо в Москву. //Аргументы и факты. - № 35,2002.
3. Мартынов Андрей. Знаки судьбы. // проект «Неизвестная планета». -2001.



**МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ  
ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ЎЗБЕК ХАЛҚИ УЧУН ДОИМИЙ ҲАРАКАТДАГИ  
ҲАЁТИЙ ДАСТУР**

**Қодиржон Одилов**

Андижон Машинасозлик институти  
“Гуманитар фанлар” кафедраси доценти,  
фалсафа фанлари номзоди

**Муҳаммаджон Йброҳимов,  
Исмоилбек Қобулжонов**

АндМи “Энергия машинасозлиги” 2-курс талабалари  
Телефон: +998900604319  
qodirjon.odilov@mail.ru

**АННОТАЦИЯ:** Юртимиздан етишиб чиққан улуғ аллома ва мутафаккирлар туфайли аждодларимизнинг ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди. Мақолада Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг таълим-тарбияга оид қарашларининг янги Ўзбекистонни бунёд этишда, учиничи Ренессанс (Ўйғониш) даврини бошланишида халқимиз учун ҳаётий дастур бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Таълим тарбия, фозил одам, комил инсон, баркамол шахс, Хоразмий, Берунийлар, Ибн Сино, Фаробий, Аҳмад ал-Фарғоний, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замаҳшарий Бурхониддин Марғиноний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ғиёсiddин Коший, Али Кушчи, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Ҳондамир, Камолиддин Бехзод, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, илм-фан, ахлоқ-одоб.

Бугун глобал муаммолар ўз ечимини кутаётган бир даврда инсоннинг руҳий-маънавий камолоти муҳим конструктив масалага айланаб бормоқда. Айниқса, бугунги ёшларини руҳий-маънавий қашшоқлик иллатларидан ҳимоя қилиш ва унинг исканжасидан қутқариш давримизнинг муҳим долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, табиатнинг олий маҳсул бўлган инсон ақл-заковати билан ўз-ўзини ривожлантира оладиган мустақил, эркин қилиб яратилган. Инсоннинг маданийлашуви, ижтимоийлашуви жароёнлари барча замонларда маҳсус тажрибага, билим ва заковотга эга бўлган илғор кишиларнинг ёш авлодга таълим ва тарбия бериши, ўзини қуршаб турган олам ҳақида, маънавий қадриятлар, инсоний муносабатлар тамойилларини ёшларга сингдириб бориши орқали амалга оширилган. Бинобарин ҳар бир жамият ўзига зарур шахсни тарбиялаган. Бунда ўз тараққиёти даражаси ва тенденцияларидан келиб чиқиб илмий, ахлоқий, эътиқодий, касбий-профессионал, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа қатор талаблар қўйилган ва шунга мос чорлов, тарғибот-ташвиқот қилинган.

Жамият тараққиётининг пировард мақсади онгли ва тарбияли инсон, унинг фаровон, эркин ва хавфсиз турмуш кечиришидир. Жамият талабига тўлиқ жавоб берадиган воқеликни кишилар турли даврларда турлича номланган. Форобий уни “фозил одам”, Юсуф Ҳос Ҳожиб “тугал эр”, тасаввуф намояндалари “комил инсон” деб атаганлар. Тарихимизда “Хар томонлама ривожланган шахс”, “ўйғун ривожланган шахс” атамалари ҳам қўлланилган.

Мустақилликдан кейин мамлакатимизда шахсга нисбатан “комил инсон”, ёш авлодга нисбатан “баркамол авлод” атамаларини қўллана бошлади. Қандай сифат қўлланмасин келажак инсонини тарбиялашда жаҳон цивилизациясига ва илми-фан ривожига улкан хисса қўшган Марказий Осиёлик улуғ мутафаккирларнинг таълим-тарбияга оид бебаҳо меросидан самарали фойдаланиб, уларнинг таълим-тарбияга оид қарашлари ҳаётга тадбиқ этиш йўли қўлланила бошланди.

Шунинг боис мамлакатимизда Шарқ мутафаккирларининг қарашлари асосида таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бирга айланди ҳамда таълим тизимиға эътибор кучайди. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томони-



дан ушбу мақсадларга эришиш ва кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган мутлақо янги ва зарур ғоя ўртага ташланди.<sup>1</sup>

Ислоҳотларнинг мантиқий ва узвий давоми сифатида ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия бериш, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни яратиш, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказишида, уларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатишида, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантиришида юртимиздан чиққан биринчи ва иккинчи Ренессанс асосчилари меросидан самарали фойдаланиш механизмлари йўлга қўйилди. Биргина мисол “Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси” тайёрланиб унга VIII-XVI асрларда яшаган 650 дан ортиқ аллаома ва мутафаккирлар ва уларнинг асарлари ҳақидаги тарихий маълимотлар киритилди. Энциклопедия жамият аъзоларини, хусусан, ёшларнинг миллий ғурурини, дунёкарашини такомилига етказилишида таълим-тарбия манбаси, мактаб ўқувчилари, коллеж ва лицей, университет ва институт талабалари, илмий тадқиқот марказлари илмий тадқиқотчилари, тарихчи ва манбашунослар учун манбавий асос бўлиб хизмат қилмоқда.<sup>2</sup>

Президент Ш.Мирзиёев ўз нутқларида мамлакатимизда янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратиш зарурлигига, таълим ва тарбия масаласига, илм-фанни ривожлантишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Дарҳакиқат маърифатпарвар шоир Фурқат таъкидлаганидек, илм-маърифатни кўнгилларнинг сурури, кўрар кўзларнинг нури жамият тараққиёти йўлини кўрсатиб туради.

Маълумки, антик даврда Юнонистонда илм-фан ва фалсафий таълимотлар машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё худудида яна порлади. Бу даврда юртимиз худудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етишириб берди. Хусусан, Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига бекиёс таъсир кўрсатди.

Бу даврда Арабистон худудида келиб чиққан муқаддас ислом динини Марказий Осиёлик мутафаккирлар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замаҳшарий Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар “Илм даражасига” кўтардилар ва бутун ислом оламининг фахру ифтихори ва чексиз ғурурига айландилар.

Иккинчи Ренессанс нафақат минтақамизда, балки жуда катта жўғрофий худудларда сиёсий-иктисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширган улуғ бобомиз, соҳибқирон Амир Темур номи билан чамбарчас боғлиқ. У зот туфайли қудратли марказий бошқарувга асосланган давлат ва янги маданий-илмий юксалиш учун қулай вазият юзага келди. Амир Темур ўз бепоён салтанатининг катта шаҳарларига турли худудлардаги истеъододли олимлар, шоирлар, хунармандлар, меъморларни жамлади ва илми-фан тараққиёти учун керакли барча шарт-шароитларни яратиб берди. Бундай оқилона сиёsat мамлакатнинг илмий ва маданий қудратини кучайтириди.

Иккинчи Ренессанс даври “Ислом маданиятининг олтин асли” деб аталиши билан бирга, фазо илми ва математика фанларининг ривожланиши билан юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улугбек, Фиёсиддин Кошӣ, Али Кушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музахҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусавиirlар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди.

Таъкидлаш керакки, юртимиздан етишиб чиққан улуғ аллома ва мутафаккирлар туфай-

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетаси 30.09.2020 й.

<sup>2</sup> “Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси” Тошкент., “Munis design group” босмахонаси, 612 сахифа.



ли аждодларимизнинг ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғуурур ва ифтихор бағишлайди.

Улардан баъзиларининг ижодларига назар солсак, Абу Абдуллоҳ Мұҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий Хоразмда дунёга келган бўлиб (780 йилда) у бутун дунё илм-фанини забт этган қомусий олимдир. Унинг риёзиёт ва фалакиёт фанига асос солгани ўз замонасида ҳам, ҳозир ҳам барча олимлар томонидан тан олинмоқда. Булғуси йирик олим олдин мантикий фикрлаш малакасини оширган, асосий эътиборни илм олишга, бунда тил ўрганишга алоҳида эътибор қаратган. Натижада Хоразмни ўз тили билан бир қатор турқ, араб, форс ва яхудийлар тилларини пухта эгаллаган. У 813 йилда Бағдод халифаси Ал-Маъмун томонидан таклиф этилади, бўлажак олим ушбу таклифни қабул қиласди ва ўз фаолиятини Бағдодда давом эттириди. У Бағдоддаги Донишмандлар уйи (кутубхона, абсерватория ва бошқа илмий масканлар)га бир неча йил давомида раҳбарлик ҳам қилди.

Форобий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини муқаммал билғанлиги ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитганлиги туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, “Ал-Муаллим ас-соний” – «Иккинчи муаллим» (Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастуси» деб номлашган. Илм ва яхши ахлоққа эга бўлиш учун эса таълим-тарбия ниҳоятда зарур, шунинг учун Форобий ўз ишларида таълим-тарбияга масъулиятли ва муҳим ўрин ажратади. Мутафаккир ўз давридаги таълим-тарбия жараёнининг камчиликларига жиддий эътибор берган ҳолда, ўзининг инсонпарвар ва прогрессив фикрларини олға сурган. Форобийнинг ижтимоий масалаларга оид бундай фикр-мулоҳазалари “Фозил одамлар шаҳри” асарида “Ақл маънолари ҳақида рисола”да, “Бахт-саодатга эришув ҳақида”, «Аристотель категорияларига шарҳлар» “Иҳсо ал-Улум” номли асарлари ва турли шарҳларда ҳам учрайди.<sup>1</sup>

Ибн Синонинг бой қомусий меросига назар ташлаб, уни ўрганар эканмиз, буюк аждодимизнинг дунёкараши нақадар мураккаб ва теранлигининг гувоҳи бўламиз. Абу Али ибн Синонинг «Ал-Қонун», «Донишнома», «Аш-Шифо», «Ан-Нажот» каби асарлари ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини ижтимоий-фалсафий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалагаи, маҳсус рисолалар талқин этган. Фалсафани эса икки гурухга, яъни назарий ва амалий гурухларга бўлади. Назарий гуруҳ қишиларни ўзидан ташқаридаги борлиқ ҳолати ҳақидағи билимларни эгаллашга йўлласа, амалий қисм бизга бу дунёда нималар қилиш кераклигини ўргатади, дейди. Буюк қомусий олим қўплаб йўналишда қандай илмий рисола ё аср яратмасин, доимо ушбу ишларнинг марказида инсон, унинг таълим-тарбияси саломатлиги, баҳт-саодати ва равнақи масаласи бўлган. Ибн Синонинг тарбиявий қарашларида оила ва оиласи тарбия масалаларига кенг ўрин берилган. Чунки инсон аввало оиласи камолга етади. Олимнинг буюк хизматларидан бири шундаки у инсоннинг меҳнати, қобилияти, ақл-заковотини улуғлайди, ундаги кудратга ишонди, инсон тафаккуриннинг тантана қилиши кераклигини тинмай тарғиб қилди.

Абу Райхон Беруний жаҳон фанининг тараққиётига ғоят улкан ҳисса қўшган зўр истеъодд эгаси ва заҳматкаш тадқиқотчи эди. Унинг ўлмас илмий асарлари жаҳон тараққиётидаги бениҳоя юксак аҳамиятга моликдир. Беруний “Минералогия” китобида сомоний Исмоил ас-Сомонийнинг (890-907) “Ўз шарафини ўзи қозонадиган одам бўлган, болаларининг аслзодалиги орқали эмас” деган сўзларини ибрат қилиб кўрсатади. У яна бир ўринда: “Кимки, ўзининг қариндошлари ва ўлиб кетган ота-боболари билан мақтанадиган бўлса, унинг ўзи ўлиқдир, улар тирикдирлар”. Беруний таълим бериш киши руҳиятига, қобилиятига мос, уни толиқтирамайдиган бўлишига эътибор беради ва шундай ёзади: “Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қиласди. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғ-роғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. “Ҳар бир янги нарса роҳат бағишлайди” - деб бехуда айтилмаган”. Беруний ростгўйлик, тўғрисўзликни улуғлайди, ёлғончиликни одамлар ўртасига низо солувчи иллат сифатида қоралайди. Олимнинг уқтиришича, бирор киши келтирган хабарни ўз кўзи билан кўриш, билиш ва у ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлган маъқул дейди. Беруний ростгўйликни адолат билан барабар қўяди. Унинг фикрича, халқ адолатни севгани каби ростгўйликни ҳам севади. Аммо

<sup>1</sup> М. Ҳайруллаев. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида. Тошкент Фан. 1982 й. 10-бет



унинг моҳиятини, ёқимлилигини билишни истамайдиган киши уни севмайди.

Алишер Навоий ҳазратлари Инсоннинг инсонлиги, унинг буюклиги ҳамда хислатларининг баркамоллигини, аввало, ҳалқнинг, жамиятнинг хизматида эканлигига кўради, тасаввур килади. У инсонни барча жонли мавжудотлардан биринчи галда ақли ва севгиси мавжудлиги билан фарқланишига урғу беради. Ҳақиқатан, илоҳий (диний) илмларда ҳам, дунёвий (замонавий) илмларда ҳам Инсоннинг бошқа тириклик оламидан тафаккури, онги, фикрлаши, иймони, нутқи, ўйлари билан фарқланиши айтиб ўтилади. Алишер Навоий ушбу асарида жамият тараққиётига, кишиларга яхшилик илиа хизмат қилувчиларни улуғлашни мақсад қилиб қўяди ва бу ҳақда, жумладан шундай ёзади:

Алишер Навоий ҳазратлари Инсоннинг инсонлиги, унинг буюклиги ҳамда хислатларининг баркамоллигини, аввало, ҳалқнинг, жамиятнинг хизматида эканлигига кўради, тасаввур килади. У инсонни барча жонли мавжудотлардан биринчи галда ақли ва севгиси мавжудлиги билан фарқланишига урғу беради. Алишер Навоий ўз асарларида жамият тараққиётига, кишиларга яхшилик илиа хизмат қилувчиларни улуғлашни мақсад қилиб қўяди ва бу ҳақда, жумладан шундай ёзади:

Они башар хайлиниң инсони бил,

Одамийлар одамийси они бил.

Яъни, ҳалққа фойдаси теккан одамлар ҳақиқий инсон бўлади, дили, сўзи, ўзи пок бўлган одамлар чин инсонлардир.

Ёки: Одамий эрсанг демагил одами,

Оники йўқ ҳалқ ғамидин ғами.

Бунинг маъноси шуки, ҳалқ баҳт-саодати ҳамда кўпчилик манфаати учун курашадиганларни ҳақиқий одам (инсон) дейиш мумкин.

Бугун буюк аждодларимизнинг бетакор ва ноёб илмий-маънавий мероси таълимтарбия сосасида яратган ғоялари ўзбек ҳалқи учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланмоқда. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлияди. Ҳозирда ҳалқимиз учинчи Ренессанс (Ўйғониш) даври остонасида турибди. Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги беш йилда ҳаётимизнинг биргина йўналиши, яъни маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган Давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янги ташаббусларининг мағзини тўла чақиб кўрсак ҳам, навбатдаги илим-маърифат Ренессансининг маркази Янги Ўзбекистон эканига ҳеч кимда шубҳа қолмайди.

Зеро бугунги Ўзбекистонда илм-фан, таълим-тарбия соҳасида, миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида, миллий урф-одатлар, турли-туман анъаналарни жой-жойига қўйиш, миллий қадрияларни янада ривожлантириш хусусида жуда кескин ва буюк бурилишлар бўлаётгани барчага аёндир.

#### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. “Ўзбекистон” нашриёти 2021 йил.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пой-девор қўйилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўқиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи
3. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчилар куни байрам табриги “Ҳалқ сўзи” газетаси 30. 09.2020 й.
4. Адам Мец Мусульманский Ренессанс М. «Наука» 2018
5. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Тошкент: Янги аср авлоди 2016.
6. Алишер Навоий. Хамса. Тошкент: Янги аср авлоди, 1996. – Б. 843
7. Культура эпоха Возрождения М., - «Наука» 1986.
8. Комилов Н. Тааввуф. Тошкент: O`zbekiston, 2009. – Б. 447.
9. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т.: Фан, 1993.
10. Ҳайруллаев М. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида. Тошкент Фан. 1982 й.
- 11..Хайруллаев М. XI–XV асрларда маданий юксалиш //Маънавият юлдузлари. Т.: Ҳалқ мероси. 2001.
12. Ҳайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти - Тошкент: ФАН 1994. - 77 б.

# **“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”**

**(2-қисм)**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳих:** Файзиев Фарруҳ Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2021

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000